

## Абу Зарр (р.а.) ҳадисининг шарҳи

12:17 / 15.03.2017 4609

Тақводор ва обид сифатида танилган саҳобалардан бири Абу Зарр ал-Ғифорий (р.а.) бир қанча ҳадиси шарифларни ривоят қилган. Улардан бири жуда машҳур ҳадиси шариф ҳисобланади. У бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга масжидда ёлғиз қолиб, ул зоти шариф билан узоқ суҳбат қурган. Ана шу суҳбатда Расулуллоҳ (с.а.в.) унга, бутун умрга, бутун умматга татиғулик ажойиб насиҳатлар, донишмандона ҳикматли ўғитлар берганлар. Мазкур ривоят саҳиҳ бўлиб, узун бўлгани учун турли саҳиҳ ҳадислар тўпламларида қисмларга ажратилган ҳолда келтирилган (Ҳоким, 2/4166; Ибн Ҳиббон, 2/361; Табароний, 2/1651; Байҳақий, "Шуаб ал-имон", 4/4942; Табризий, "Мишкот ал-масобеҳ", 2/4866; ал-Муттақий, "Канз ал-уммол", 22/44158; Жазарий, "Жомеъ ал-усул", 2/876; Суютий, "Жомеъ ас-сағир", 1/2793; Муновий, "Файз ал-қадир", 3/2793; ал-Ҳайсамий, "Мажмаъ аз-завоид", 4/7113).

Мазкур ривоятни турли ҳадис тўпламларидан бирма-бир тўплаб, ислом олимларининг кўпчилиги шарҳ ҳам қилганлар. Биз ушбу ривоятнинг матнини бир жойга тўплаб, унинг таржимасини беришга қарор қилдик. Қисқа изоҳланади, зотан, уни узоқ шарҳлаш ва муфассал изоҳлаш мумкин:

وہی لعل لعلی لعل لوسر اذاف دجس مل تلخ د: لاق ہنع ہل لعلی ضر رذ ی ب أ ن ع  
ہتحت و، یتحت دجس مل ل ن! رذ اب ای: لاق ف ہیل ل یتحت دجس لاج م لس  
امہت عکرف تمقف: لاق، امہ عکراف مقف ن اتعک ر

Абу Зарр ал-Ғифорий (р.а.) айтади: "Масжидга кирган эдим, у ерда Расулуллоҳ (с.а.в.) ёлғиз ўтирган эканлар. Ёнларига бориб ўтирдим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Эй, Абу Зарр! Ҳар бир масжиднинг таҳиййати – табрикномаси бўлади. Унинг таҳиййати икки ракъат намоздир. Туриб, икки ракъат намоз ўқиб ол!", дедилар. Мен дарҳол ўрнимдан туриб, икки ракъат намоз ўқиб олдим".

Мухтасар изох: "Таҳийяти масжид" намози масжидга кирган заҳоти ёки кейинроқ ўқиладиган икки рақъатли нафл бўлиб, уни ўқиш суннати муаккада ҳисобланади. Фақат уни макруҳ бўлмаган вақтларда ўқилади, макруҳ вақтларда саловот ва тасбеҳлар айтиш билан чекланилади. Ушбу намозни ўқишни унутиб ёки бошқа сабаб билан масжидда ўтириб қолган кимса Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мазкур тавсияларига кўра эсига келган вақтда, кейинчалик туриб ўқиб олаверади.

عوضوم ريخ :لاق؟ ةالصلا امف ، ةالصلاب ينترمأ كنإ !هلل لوسر اي ، تلق مث ، رثكأ ءاش نمو لقأ ءاش نمف .

Сўнг дедим: "Эй, Расулуллоҳ! Сиз мени намозга буюрдингиз. Намознинг ўзи нима?". Ул зоти шариф жавоб бердилар: "Намоз хайрли мавзуъдир, у тўқиб чиқариладиган нарсаларнинг энг яхшиси. Ким хоҳласа, озайтирсин, ким хоҳласа, уни кўпайтирсин!".

Мухтасар изох: "Намоз хайрли мавзуъ" дегани инсон ўзи истаган вақтда фарз, вожиб ва суннатлардан ташқари ҳар хил намозлар ўйлаб топиши мумкинлигидан ва бунга нафл сифатида қаралиши кераклигидан келиб чиқиб айтилган. Демак, инсон хоҳлаганича нафлларни кўпайтириши ва озайтириши мумкин. Ўзи жорий қилган намозига ўзи ном қўйиб олиши ва уни давомий ўқиб бориши ҳам мумкин. Фақат шарти шуки, ўша ўзи ўқишга одатланган намозини ўзига ва бошқаларга вожиб, ўқиши шарт ёки шаръий кўрсатма деб қарамаслиги лозим.

في داهج و هللاب ناميإ :لاق؟ لجوزع هلل لىلإ بحأ لامعالا ي !هلل لوسر اي :تلق هـ .

Мен яна дедим: "Эй, Расулуллоҳ! Амалларнинг ичида қайсиниси Аллоҳ таолога севимлироқ?". Ул зоти шариф жавоб бердилар: "Аллоҳга имон келтириш ва унинг йўлида жиҳод, яъни жидду жаҳд қилмоқликдир".

Мухтасар изох: имон яъни Аллоҳга ишониш амалларнинг энг яхшиси ҳисобланади. Аллоҳ ҳузурида имондан кўра юксакроқ ва савоблироқ амал йўқ. Жиҳод эса Аллоҳ йўлида барча имкониятларини сафарбар этиш бўлиб, ҳақиқат йўлида жидду жаҳд кўрсатмоқликдир. Бу эса имондан кейинги энг афзал амал ҳисобланади. Зотан, барча савобли амаллар инсоннинг жидду жаҳди натижасида юзага чиқади.

اقلخ مه نسحأ :لاق؟ انام يإ مهلمكأ ني نمؤملا ي :تلق .

Мен яна дедим: "Мўъминларнинг имонда энг комилроғи ким?". Расулуллоҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: "Уларнинг хулқи энг гўзали имонда ҳам мукамалроғидир!".

Мухтасар изоҳ: мўъмин-мусулмонлар орасида имони бақувват ва мукамал бўлгани гўзал хулқли бўлади. Гўзал хулқлар эса алоҳида ўрганиладиган ва ўргатиладиган шаръий амаллардир. Зотан, инсониятнинг турли миллат ва ҳар хил элатларининг ўзларининг миллий хулқ-атворлари шаръан севимли деб топилган бўлмоғи керак. Акс ҳолда, инсон ўзича яхши хулқ деб билгани шаръан ёмонланган хулқ бўлиб чиқиши мумкин. Бинобарин, гўзал хулқларни ҳам махсус ўрганишга эътибор қаратиш керак.

هدهو هناسل نمانسان لاملس نم :لاق، ملسأ نيم لملس لاي أف :تلق

Мен яна дедим: "Мусулмонларнинг энг муслимроғи ким?". Расулуллоҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: "Одамлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган кимса энг мусулмонроқдир!".

Мухтасар изоҳ: мусулмон – шариатга, ислом динига бўйсинган кимса бўлиб, энг кўпроқ ва энг ортиқроқ бўйсинган мусулмон кимлигини мазкур ҳадисдан билиб оламиз. Демак, одамларга фойдаси тегадиган, қўли ва тилидан одамлар озор чекмайдиган кимса мусулмонроқ кимса экан.

تائيسل لارج ه نم :لاق؟ لصفأ ةرجه لاي أف :تلق

Мен яна дедим: "Ҳижратнинг қайсиниси афзал?". Расулуллоҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: "Гуноҳлардан ҳижрат қилган кимсанинг ҳижрати энг афзалидир!".

Мухтасар изоҳ: "Ҳижрат" бирор нарсадан чеккага чиқиш, кўчиш, бирор нарсадан воз кечиш ҳисобланади. Гуноҳлардан савобли ишлар томон кўчиб ўтиш ҳижратнинг энг афзали ва аълосидир! Бошқа шаҳарларга кўчиб кетгандан кўра, ўз шаҳрида ўз юртининг ободлиги йўлида ихлосли ва тақводор мўъмин-мусулмон бўлиб яшаган албатта афзалдир.

رباعل لاي للافوج :لاق؟ لصفأ لاي للاف :تلق

Мен яна дедим: "Кечанинг қайси вақти энг афзал?". Расулуллоҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: "Туннинг қоп-қоронғи ўртаси".

Мухтасар изоҳ: дуолар ижобат бўладиган, ибодатлар ихлос билан, риёсиз, хўжақўрсинсиз қилинадиган вақт туннинг қоқ ўртасидир. Аллоҳ таоло айни мана шу вақтда дуоларни ижобат қилишга алоҳида ваъда берган. Бу

вақтни ғанимат билиб, таҳажжуд ва тунги намозларни ўқиб, дуо ва истиғфорларни кўпайтириш ҳар бир мўъмин-муслмон учун керакли амаллардир.

تونقلا لوط :لاق ؟لضفأ ةالصلا ي أف :تلق

Мен яна дедим: "Намознинг қайсиниси афзал?". Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: "ДуоСИ узун бўлгани афзалроқ".

Мухтасар изоҳ: ҳадис матнидаги "қунут" сўзи дуо ва зикр маъносида бўлиб, намоздаги дуо ва зикрлар узун бўлса, машаққат кўпайиб савоб ортади. Айниқса, қироати узун бўлган намознинг савоби кўп ҳисобланади. Ёлғиз ўқилган намозда узун сураларни ўқишга одат қилиш керак.

ةريثك فاعضأ هللا دنعو ئنجم صرف :لاق ؟م ايصللا امف :تلق

Мен яна дедим: "Рўза нима?". Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: "Рўза мукофоти бор фарздир. Унинг савоби Аллоҳ таоло олдида бир неча бор кўп бўлади".

Мухтасар изоҳ: барча хайрли амалларнинг савоби маълум, фаришталарга ҳам билдирилган. Бироқ, рўзанинг савобини Аллоҳнинг ўзи билади ва унга кўпдан-кўп савоблар берилишини ваъда қилади. Демак, мўъмин-муслмонлар рўзага ҳам жуда катта аҳамиятларини қаратмоқлари керак.

م دم ق يره أو ه داوج رقع نم :لاق ؟لضفأ داوجللا ي أف :تلق

Мен яна дедим: "Жиҳоднинг қайсиниси афзал?". Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: "Арғумоқ отини қаттиқ ярадор қилган ва ўз қонини тўккан кимсанинг жиҳоди афзал".

Мухтасар изоҳ: "Жиҳод"нинг тури кўп. Энг афзали душман билан бўлаётган жангу жадалда ғайрат кўрсатиш ҳисобланади. Ватан озодлиги ва ободлиги учун жонфидо бўлиш энг бахтли саодатдир.

اهله دنع اهسفنأو انم ث اهالغ :لاق ؟لضفأ باقرللا ي أف :تلق

Мен яна дедим: "Қайси қул афзал ҳисобланади?". Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: "Нархи қимматроғи ва аҳли-оиласи билан бўлгани".

Мухтасар изоҳ: қулликдан оғирроқ нарса йўқ, қул ўзининг меҳнаткашлиги, куч-қуввати, билими натижасида нархи қиммат бўлса, албатта у бошқаларига нисбатан афзалроқ бўлади. Боз устига, уни ўз оиласи билан –

ота-онаси, бола-чақаси, хотини билан бирга олган яхшироқ. Шунда у оиласи учун ҳам ҳаракат қилади. Ҳар бир инсон Аллоҳнинг қулидир. Эй, Аллоҳнинг қуллари! Нарҳингизни пасайтирманг, қадрингизни туширманг, энг афзал қул бўлишга ҳаракат қилинг!

ريق فلى رسى لقم نم دهج :لاق ؟لضفأ ةقدصلل آي أف :تلق

Мен яна дедим: "Қайси садақа энг афзал?". Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: "Фақирнинг хурсанд бўлишига қарашга ҳаракат қилишдир".

Мухтасар изоҳ: Фақирни хурсанд ҳолда кўриш энг афзал садақадир. Уни хурсанд қилишга интилиш керак.

ام !رذ أبأ اي :لاق م ث ،يسر كلال ةيآ :لاق ؟لضفأ كيلىع هلل لزنأ ام ةيآ اي أف :تلق  
لىع شرعلا لصفو ،ةالف ضربأ ةاقللم ةقلحك ال يسر كلال عم عبسلل تاوامسلل  
ةقلحلال لىع ةالفلال لصفك يسر كلال

Мен яна дедим: "Сизга Аллоҳ нозил қилган оятлар ичида энг афзали қайси?". Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: "У оят ал-курсий". Сўнг дедилар: "Эй, Абу Зарр! Етти қават осмон курсий билан бирга очиқ ер майдонидаги тешик ҳалқа кабидир. Курсийга нисбатан аршнинг фазилати худди ҳалқага нисбатан майдоннинг фазли кабидир".

Мухтасар изоҳ: оят ал-курсий Қуръони каримдаги энг афзал оят ҳисобланади. Уни ўқилганда кўпдан-кўп савобларга эга бўлинади, шайтон ва жинлар қочади, касалликлар йўқолади. Унинг буюклиги очиқ майдон каби бўлиб, бошқа оятлар унда тушиб қолган кичик бир ҳалқачага қиёсланади.

لسرللا م ك :تلق ،افل نورشعو فلأ ةئام :لاق ؟ءاي بناللا م ك !هلل لوسر اي :تلق  
اريفغ امج رشع ةثالثو ةئامثالث :لاق ؟كلذ نم

Мен яна дедим: "Эй, Расулulloҳ! Набий пайғамбарлар қанча?". Ул зоти шариф марҳамат қилдилар: "Улар бир юз йигирма минг нафардирлар". Мен яна дедим: "Расул пайғамбарлар қанча?". Ул зоти шариф марҳамат қилдилар: "Улар уч юз ўн уч нафар улуғ жамоадирлар".

Мухтасар изоҳ: "набий" муқаддас илоҳий китоб берилмаган, балки ўзидан олдинги китоб берилган пайғамбар шариати бўйича ҳукм юритадиган Аллоҳнинг элчисидир. "Расул" эса Аллоҳ таоло томонидан муқаддас илоҳий китоб нозил қилинган пайғамбардир. Мазкур ривоятда набий ва расулларнинг сони зикр қилинган. Бироқ, аҳли сунна ва жамоа ақидасига



эъзозлаши мумкинлигини билиб оламиз. Ҳа, мусулмон бўлишдан ташқари бирорта миллатга мансуб бўлиш ҳам бахтдир.

لزنأ ،بتك ةبرأو باتك ةئام :لاق ؟هللا لزنأ باتك مك !هللا لوسر اي :تلق  
ىلع لزنأو ،ةفحص نوئال تخونخ ىلع لزنأو ةفحص نوسمخ شيش ىلع  
لزنأو ،فئاحص رشع ةاروتلا لبق ىسوم ىلع لزنأو ،فئاحص رشع ميهاربإ  
ناقرفلاو روبزلاو ليحنالاو ةاروتلا.

Мен яна дедим: "Эй, Расулulloҳ! Аллоҳ нозил қилган китоблар қанча?". Ул зоти шариф жавоб бердилар: "Бир юз тўрт китоб. Шисга эллик саҳифа нозил қилинган. Ханух (Идрис)га ўттиз саҳифа, Иброҳимга ўнта саҳифа, Мусога Тавротдан олдин ўн саҳифа нозил қилинган. Сўнг Аллоҳ Тавротни, Инжилни, Забурни ва Фурқон (Қуръон)ни нозил қилган".

Мухтасар изоҳ: Аллоҳ таоло томонидан пайғамбарларига нозил қилинган китоблар сони бир юз тўртта. Улардан юзтаси қисқа рисоалар шаклида, тўрттаси эса катта китоб шаклида. Юз китоб қайси пайғамбарларга нечта саҳифа бўлиб нозил қилингани ривоятларда турлича зикр қилинади. Бу ривоятда юқоридаги тарзда эслатилган. Тўрт илоҳий китоб борасида ихтилоф йўқ: Таврот – Мусо алайҳиссаломга, Инжил – Исо алайҳиссаломга, Забур – Довуд алайҳиссаломга, Қуръон – Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган. Биз муқаддас илоҳий китобларнинг барчасига имон келтирганмиз.

طلسملا كئلماهيا :اهلك الاثمأ تناك :لاق ؟ميهاربإ فحص تناك امف :تلق  
ينك لو ،ضعب ىلع اهضعب اي ندللا عمحتل كئعبأ مل يني !ىلتبملا رورغملا  
اهيف ناك و ،رفاك نم تناك ولو اهدرا ال يناف مولظملا ةوعد ىلع درتل كئعب  
ةعاس :تاعاس ثالتهل نوكي نأ هل قع ىلع ابولغم نكي مل ام لقاعلا ىلع :لاثمأ  
،هللا عنص اهيف ركفتي ةعاسو ،هسفن اهيف بساحي ةعاسو ،هبر اهيف يجاني  
انعاظ نوكي ال نأ لقاعلا ىلعو ،برشملاو معطملا نم هتجاجل اهيف ولخي ةعاسو  
نوكي نأ لقاعلا ىلعو ،مرحم ريغي ةذل وأ ،شاعمل ةمرمو داعمل دوزت :ثالثل ال  
لق هلمع نم همالك بسحنمو ،هناسلل اطفاح ،هنأش ىلع البقم ،هنامزب اريصب  
هينعي اميف ال همالك.

Мен яна дедим: "Иброҳим саҳифаларида нималар бор?". Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Уларнинг ҳаммаси масал-маталлардан иборат. Масалан, унда қуйидагилар бор бўлган: "Эй дунёга мубтало бўлган мағрур ва ғолиб подшоҳ! Мен сени дунё жамлашинг учун юбормадим, сени бошқаларга асло подшоҳ қилганим йўқ. Лекин сени мазлумнинг чақириғига жавоб беришинг учун подшоҳ қилиб юбордим. Чунки, мен ҳам мазлумнинг дуосини, гарчи у кофир бўлса ҳам рад қилмагайман". Яна унда

бундай масаллар бор: "Ақлига мағлуб бўлмаган оқилга уч соат бор бўлади: парвардигорига муножот қилаётган вақт; ўз нафсини ўзи ҳисоб-китоб қилаётган вақт ва Аллоҳнинг сир-синоатларини тафаккур қилаётган вақт. Яна бир соат бор, унда ақлли инсон еб-ичиш каби ҳожатлари учун холи қолади. Оқил кимса уч ҳожат учун йўлга чиқиши мумкин: келажаги учун захира қилиши учун, тирикчилигини таъминлаш учун ва бегоналар орасида маза қилиш учун. Оқил кимса замонасини кўра била оладиган бўлади, шаън-шавкати асрай билади, тилини сақлай билади. Кимки ўз амалидан гап-сўзини ҳисоблай оладиган бўлса, гап-сўзи оз бўлади, фақат керак жойдагина гапирадиган бўлади".

Мухтасар изоҳ: Расулulloҳ (с.а.в.) Иброҳим алайҳиссаломга нозил қилинган саҳифалар билан таниш бўлганлар. Абу Зарр (р.а.)га ундаги айрим зарбулмасал ҳикматли гаплардан гапириб берганлар. Ҳар бир мусулмон ҳам ушбу ҳикматли гаплардан хабардор бўлиб, ўз ҳаётида дастуруламал қилиб олса арзийди.

تومل اب نقيأ نمل تبجع :اهلك اربع تناك :لاق ؟يسوم فحصى ف ناك ام ف :تلق  
ردق ل اب نقيأ نمل تبجع ،كحصى وه م ث :رانل اب نقيأ نمل تبجع ،حرفي وه م ث  
تبجع ،اهي ل نأمطا م ث اهلهال اهبلقت و اي ن دلأ ىأر نمل تبجع ،بصني وه م ث  
تبجع ،بصني وه م ث ردق ل اب نقيأ نمل تبجع ،كحصى وه م ث :رانل اب نقيأ نمل  
ادغ باسحل اب نقيأ نمل تبجع ،اهي ل نأمطا م ث اهلهال اهبلقت و اي ن دلأ ىأر نمل  
لمعي ال م ث.

Мен яна дедим: "Мусо саҳифаларида нималар бор?". Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Уларнинг ҳаммаси ибратлардан иборат. Масалан, унда қуйидагилар бор бўлган: "Ўлимни аниқ била туриб, яна шодланадиган кимсадан ажабландим. Дўзахга тушиши мумкинлигини аниқ била туриб, яна куладиган кимсадан ажабландим. Тақдирнинг борлиги ва бўлишини аниқ била туриб, яна унга нисбат қилган кимсадан ажабландим. Дунёни кўриб, унинг аҳлига нима қилганини била туриб, яна унга ишонган ва кўнгил қўйган кимсадан ажабландим. Эртага ҳисоб-китоб борлигини аниқ била туриб ҳам амал қилмаган кимсадан ажабландим".

Мухтасар изоҳ: Расулulloҳ (с.а.в.) Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган саҳифалар билан ҳам таниш бўлганлар. Абу Зарр (р.а.)га ундаги айрим ибратомуз ҳикматли гаплардан гапириб берганлар. Ҳар бир мусулмон ҳам ушбу ҳикматлардан хабардор бўлиб, ўз ҳаётида дастуруламал қилиб олса арзийди.

ئىسومو مېھاربۇ فحصى ف ناك امم ئىش كىلعل لزنأ امىف له !هللا لوسراى :تلق  
(ئىسومو مېھاربۇ فحصى :هلوق ىلإ - ىكزت نم حلفأ دق) أرق ت !رذ أبأ اى :لاق

Мен яна дедим: "Эй, Расулulloҳ! Иброҳим ва Мусо алайҳимассаломларга нозил қилинган нарсалардан Сизга ҳам нозил қилинган оятлар борми?". Ул зоти шариф жавоб бердилар: "Эй, Абу Зарр! "Қод афлаҳа ман тазакка" оятини то "Суҳуфи Иброҳима ва Мусаа" оятигача ўқигансан-ку!".

Мухтасар изоҳ: Қуръони карим пайғамбарлар охиригиси бўлмиш Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га нозил қилинган муқаддас илоҳий китобларнинг охиригиси ўлароқ улардаги бор ҳикматлар, ибратомуз гап-сўзларнинг маъзи ва аълоларини ўзида жамлагандир. Бу ҳақиқатни Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ўзлари "Аъло сураси"нинг 14-19 оятларини ўқиб тасдиқлаганлар.

هل ك رم ال س أ ر ه ن اف هللا ىوق ت ب كى ص و أ :لاق ، ىن ص و أ !هللا لوسراى :تلق

Мен яна дедим: "Эй, Расулulloҳ! Менга васият қилинг". Ул зоти шариф марҳамат қилдилар: "Аллоҳга тақво қилишни васият қиламан. Чунки, у барча ишнинг бошидир".

Мухтасар изоҳ: "тақво" – Аллоҳдан қўрқишдир. "Тақво" – барча гуноҳ ва маъсиятлардан сақланишдир. Шунинг учун ҳам мусулмонлик ишларининг боши, асоси тақво ҳисобланади. Аллоҳ тақводор кимсалар билан биргадир.

ركذو ضرال اى ف ك ل رون ه ن اف ،هللا ركذو ن أرق ل ا ةوال ت ب كى لعل :لاق ، ىن ذر :تلق  
ءامسل اى ف ك ل

Мен яна дедим: "Менга яна васиятингизни зиёда қилинг!". Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Сен ўзингга Қуръон тиловатини ва Аллоҳ зикрини лозим тут. Чунки, у сенга ерда нур бўлади, самода эса сени зикр қилишларига сабабчи бўлади".

Мухтасар изоҳ: Қуръонни тиловат қилиб туриш ва зикр амалиёти мўъмин-мусулмонларга фарз қилинган амаллардандир. Қуръон қироатининг ўзи ҳам зикр ҳисобланади. Махсус зикрларни ўрганиб олиш керак. Зотан, Аллоҳнинг зикри қалбларни хотиржам қилади.

ه.جول ا رون ب بهذىو بلقل اى تىمى ه ن اف !كحضل ا ةرثكو ك اى :لاق ، ىن ذر :تلق

Мен яна дедим: "Менга яна васиятингизни зиёда қилинг!". Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Сен кўп кулишдан сақлан. Чунки, у қалбни ўлдиради ва юзнинг нурини кетказади".

Мухтасар изох: кўп кулиш аҳмоқлик белгиси. Кўп кулиш сабабли қалб ўлиб боради, юздаги нурлар кетади. Асосийси, кўп куладиганлар айтганидек кулиш сабабли инсон узоқ яшамайди. Кўп кулаверадиган, тиржаяверадиган одамнинг обрўси қочади.

نوع و كنع ناطي شلل ة درطم ه ن اف ، ريخ ن م ال ا تم صل اب ك ي ل ع ل اق ، ي ن د ز : ت ل ق  
ك ن ي د ر م ا ي ل ع ك ل

Мен яна дедим: "Менга яна васиятингизни зиёда қилинг!". Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Сен жим ўтиришни - сукутни ўзингга лозим тут, фақат хайрли гапни гапирсанг, майли. Чунки, жим ўтиришинг шайтонни сендан қувадиган, узоқлаштирадиган нарсадир, диний ишларингда ҳам сенга ёрдамчидир".

Мухтасар изох: сукут сақлай билиш ҳам ибодатдир. Сукут, жим ўтириш билан қалб зикри, махфий зикр юзага келади. Кўп гапириш барча ақлли инсонлар наздида айб ҳисобланади. Фақат хайрли, фойдали гапларни гапириш учун тилга келиш мумкин. Ҳақ айтилиши керак бўлган жойда сукут қилмасдан гапиришни ҳам ўрганиш керак.

ي ت م ا ة ي ن ا ب ه ر ه ن اف ، د ا ه ج ل ا ب ك ي ل ع ل اق ، ي ن د ز : ت ل ق

Мен яна дедим: "Менга яна васиятингизни зиёда қилинг!". Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Сен ўзингга жиҳодни лозим тут. Чунки, у умматимнинг роҳиблигидир".

Мухтасар изох: "жиҳод" – ҳақиқат йўлида курашиш, савобли ишларга ғайрат кўрсатиш, тоат-ибодатга жидду жаҳд қилишдир. Ватанни асраш, унинг озодлиги ва ободлиги йўлида жонфидо бўлиш энг яхши жиҳоддир. Бу эса роҳибликдан – тарки дунё қилиб, умрини тоат-ибодатда ўтказишдан кўра яхшироқ.

م ه س ل ا ج و ن ي ك ا س م ل ا ب ح ا ل اق ، ي ن د ز : ت ل ق

Мен яна дедим: "Менга яна васиятингизни зиёда қилинг!". Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Мискинларни яхши кўр ва улар билан ўтириб-тур".

Мухтасар изох: камбағалпарварлик ҳам хайрли амалдир. Бойлар ва дунёпарастлар билан ўтириб-туравериш дунёга майл уйғотади. Дунёвий майл эса хатоликларнинг бошланишидир. Шунинг учун фақир-фуқаролар билан бирга бўлиш ҳам фойдали.

ال أن رذجاً هناف، كقوف نم ىلإ رظنت الو كتحتم نم ىلإ رظنا: لاق ىندز: تللق  
كدنع هللا عمعن ىردزت.

Мен яна дедим: "Менга яна васиятингизни зиёда қилинг!". Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Остингдаги, сендан пастдаги кимсага қара, сендан юқоридаги кимсага қарама. Чунки, бу олдингдаги Аллоҳнинг неъматларига нафратланмасликка энг қулай воситадир".

Мухтасар изоҳ: инсон ўзидан пастдагиларга қараб шукр қилиши, юқоридагиларга қараб сабр қилиши керак. Дунёда ўзидан ўтиб кетганларга қараб интилиш одамни дунёпарастликка олиб келади. Молдунё жиҳатдан ўзидан ўтиб кетмаганларга эътибор беришда инсон қаноатга, шукрга, Аллоҳнинг неъматларини севишга ўрганади.

مئال عمول هللا ىف فخت ال: لاق، ىندز: تللق.

Мен яна дедим: "Менга яна васиятингизни зиёда қилинг!". Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан кўрқма!".

Мухтасар изоҳ: Аллоҳ учун савобли ишларни, хайрли амалларни қилишда, шариат ва дин ҳурматини сақлаш ва асраш йўлида маломатчиларнинг маломатига эътибор бермаслик керак.

ارم ناك نإو قحلالق: لاق، ىندز: تللق.

Мен яна дедим: "Менга яна васиятингизни зиёда қилинг!". Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Ҳақни гапир, гарчи у аччиқ бўлса ҳам".

Мухтасар изоҳ: инсон ҳақиқатгўй бўлиши керак. Ҳамма вақт ҳақиқат тарафини олиши керак. Ҳақиқат аччиқ бўлса ҳам уни ўз ўрнида айта билиш ҳам фазилатдир.

امىف مەىللع دجت الو، كسفن نم فرعت ام سانللا نع كدرىل: لاق، ىندز: تللق  
مەىللع دجت وأ كسفن نم لهجت ام سانللا نم فرعت أن ابىع كب ىفكو، ىتأت  
نسحك بسح الو، فكلك عرو الو، رىب دتللك لقع ال! رذ أبأ ى، ىتأت امىف  
قلللا.

Мен яна дедим: "Менга яна васиятингизни зиёда қилинг!". Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Нафсинг таниган нарсани одамлардан қайтаришни бил. Нафсингга келган нарсани уларга топиб берма. Нафсинг билмаган, одамлардан таниб-билган айблар сенга кифоя қилади ёки нафсингга келган нарсани уларга топиб бер. Эй, Абу Зарр! Тадбир каби ақл

йўқ, сақланиш каби парҳез йўқ, гўзал хулқ каби хислат йўқ".

Мухтасар изох: нафс ўрганиб қолган, нафсга хуш келган нарсани одамларга раво кўрмаслик керак. Нафс хуш кўрган бузуқликлар, ифлосликларни одамларга ўргатмаслик, уларга топиб бермаслик лозим. Одамлар айб деб билган нарсаларни айб деб билиш керак. Гарчи нафс уни яхши деб билса ҳам, кўпчилик ёмон деб билган иш ёмон ҳисобланади. Нафс хайрли деган ишларни одамларга ҳам раво кўриш керак бўлади. Расулуллоҳ (с.а.в.) тадбир, маслаҳатлашувдан кўпроқ ақл йўқлигини, сақланишдан ортиқроқ парҳез бўлмасликни, гўзал хулқдан зиёдароқ яхши хислат топилмаслигини тавсия қилганлар.

Ҳамидуллоҳ Беруний